

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ**34** Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажм-  
лари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш  
ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2074*

*(2010 йил 6 февралдан кучга киради)*

«Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида»ги Вақтинчалик низомнинг 26-бандига мувофиқ (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 30-сон, 347-модда) Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар акцизли товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 декабрь,  
2009-37-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг  
2009 йил 15 декабрдаги 2009-37-сон қарорига  
ИЛОВА

Хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи \_\_\_\_\_

Микрофирма  Кичик корхона  Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)

Хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган ери (почта манзили) \_\_\_\_\_

Телефон: код      рақам

Маълумотномани тақдим этиш муддати

\_\_\_\_\_ га тақдим этилади  
(давлат рўйхатидан ўтказилган жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари  
тўғрисида 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи учун  
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирликлари	Улгуржи сотилди		Чакана сотилди	
			сони	минг сўм	сони	минг сўм
1	2	3	4	5	6	7
1.	Ўсимлик ёғи	тонна				
2.	Алкоголли маҳсулотлар, шу жумладан:	дал				
	Ароқ	дал				
	Вино	дал				
	Коньяк	дал				
3.	Шампан виноси	дал				
	Тамаки маҳсулотлари	минг дона				
4.	Янги енгил автомобиллар, шу жумладан:	дона				
	мамлакатда ишлаб чиқарилган	дона				
5.	Автомобиль бензини	тонна				
6.	Дизель ёқилғиси	тонна				

Хўжалик юритувчи субъект томонидан тўлдирилади	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф. И. Ш. _____ Имзо _____	Мазкур маълумотнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин) <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Бош бухгалтер СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф. И. Ш. _____ Имзо _____  Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта <input type="checkbox"/> орқали <input type="checkbox"/> орқали <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> варақда тақдим этилган  Тақдим этилган <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> сана Ф. И. Ш. _____ Имзо _____
Корхонага бириктирилган молия инспектори (мавжуд бўлганда) СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф. И. Ш. _____ Имзо _____	

М.Ў.